

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК 336.14(575.1)

Қобулов Ҳотамжон Абдукаримович

**ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИМКОНИЯТ-
ЛАРИНИ ОШИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ**

Ихтисослик: 08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2006

**Диссертация Тошкент Молия институтининг
«Молия» кафедрасида бажарилган**

Илмий рахбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Ёркул Абдуллаевич

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович

иқтисод фанлари номзоди
Райимбердиева Ойниса Рахмонқуловна

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2006 йил «___» _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 й. “___” _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.н.**

Ф.Мирзаев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислох қилиш ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг ҳозирги кундаги амалиёти назариётчилар олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бажарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир: биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт доирасидаги муаммоларнинг кескинлашувига йўл қўймаслик ва иккинчидан, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда уларни имкониятларини яхшилашнинг зарурлиги. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини муваффақиятли ва молиявий инқирозларсиз ҳал этиш маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлигини, шу жумладан, улардаги инвестицион, солиқ, валюта имкониятларининг бир текис тақсимотини талаб этади ва бу нисбатдошликда ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги рағбатлантирилиши лозим».¹ Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳудудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини янада ошириш заруриятини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молия-бюджет механизми, бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланиши, давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлаш, маҳаллий бюджетларни мукамал бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлар А.Бабиц, О.Бетин, М.Верхолаз, С.Валентей, А.Годин, М.Дмитриев, Э.Добсон, Л.Дробозина, Н.Колесников, В.Лексин, Л.Павлова, Г.Поляк, В.Родионова, М.Романовский, Б.Сабанти кабиларнинг ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқаришнинг айрим муаммоларига оид илмий тадқиқ намуналарини М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, А.Ваҳобов, О.Олимжонов, Т.Маликов, Қ.Яхъёев, М.Йўлдошев, Ҳ.Жамолов, З.Срожиддинова, Г.Қосимова, С.Жубаев, Б.Жўраев, А.Маманазаров, У.Бурхонов, О.Райимбердиева, А.Суванов каби олимларнинг нашр этилган ишлари² ва ҳимоя қилинган диссертацияларида кўриш мумкин. Бизнинг тадқиқот мавзуимизга турдош бўлган Г.Қосимованинг “Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли” мавзусидаги номзодлик

¹ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. // Қишлоқ ҳаёти, 2004 й., №20 (6701), 2-б.

² Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. -Т.: ТФИ, 2001.-86 б.; Абдуллаев Ё.А., Срожиддинова З.Х., Усипбаев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан.-Т.: ТФИ, 2001.- 85 б.; Вахобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002.-276 б.; Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети. Т.: ТМИ, 2002. – 115 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент.-Т.: Шарк, 1999-137 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002.-204 б.; Яхъёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ф.Ғулом, 2003. - 168 б.; Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2000.-212 б.

диссертациясида ижтимоий-маданий соҳаларни давлат бюджети томонидан молиялаштириш тизимини бюджет сиёсатига маълум ўзгартиришлар киритиш орқали такомиллаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилган, шунингдек давлат бюджети ижросида ғазначиликнинг афзалликлари очиб берилган. Б.Жўраевнинг “Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги диссертацион тадқиқотида давлат бюджетини солиқлар тизимини такомиллаштириш орқали ривожлантириш масалалари кўрилган. У.Бурхановнинг “Давлат бюджети тақчиллиги омиллари ва уни иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қисқартириш масалалари” мавзусидаги диссертациясида давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи омиллар ўрганилган бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет тақчиллигини қисқартиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган, С.Жубаевнинг «Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш муаммолари» мавзусидаги диссертация ишида, асосан, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ўрганилган, бироқ уларнинг даромадлари ижроси харажатлар динамикасига мутаносиб тарзда ўрганилмаган ёки уларнинг молиявий имкониятларини ошириш масалалари четлаб ўтилган. Маҳаллий бюджетларни даромадлар базасининг шаклланишида манбаларни туркумлаштирилиши тизимли тарзда тадқиқ этилмаган. А.Маманазаровнинг “Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари” мавзусидаги диссертация ишида эса, маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари борасидагина изланишлар олиб борилган бўлиб, асосий эътибор маҳаллий солиқларнинг ставкаларини, солиқ базаларини ва солиқ имтиёзларини такомиллаштиришга қаратилган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳисобланмиш умумдавлат солиқларидан ажратмалар, яъни тартибга солувчи даромадлар ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари тизимидаги бошқа манбалар кенг тадқиқ этилмаган. А.Сувоновнинг “Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида маҳаллий бюджетларни ижроси жараёнининг муаммолари устида тадқиқотлар олиб борилган.

Булардан фарқли ўларок, бизнинг изланишимизда маҳаллий бюджетларнинг фаолиятини баҳолашда нисбатан адолатли ёндошувни ўзида ифодаловчи, кенг қамровли бўлган уларнинг “молиявий имкониятлари” тушунчаси тўлиқ тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги шароитда бюджет амалиётига қўйилаётган янги талаблар, маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш, улардаги молиявий имкониятларни мустаҳкамлаш муаммолари уларнинг ечими бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Тошкент Молия институти илмий кенгаши томонидан 2000 йил 31 октябрда тасдиқланган ва институтнинг илмий тадқиқот режалари билан бевосита боғлиқдир.

Тадқиқот мақсади. Мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бюджет амалиётининг жаҳон андозалари талабларига мос келувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалий таклифлар бериш тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил қилади.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар қўйилган: бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш; ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетларни бошқариш, шунингдек маҳаллий бюджетлар имкониятларининг шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омилларни тавсифлаш; солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланишидаги салмоғини баҳолаш ва унинг ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш; маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари ва уларнинг динамикасини қиёсий таҳлил қилиш; маҳаллий бюджетларнинг тартибга солинадиган даромадлари ролини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари баҳолаш; маҳаллий бюджетлар солиқ салоҳиятини мустаҳкамлаш йўналишларини кўрсатиш; харажат ваколатлари тақсимотини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар имкониятларини яхшилаш йўналишлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

- ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳамда истиқболларини ҳисобга олган ҳолда “ҳудуднинг молиявий ресурси”, “маҳаллий бюджет имконияти” тушунчаларининг илмий асосланган таърифлари берилди;

- маҳаллий бюджет имкониятларини баҳолашга оид қарашлар тизимлаштирилди ва муаллиф ёндошуви асослаб берилди;

- маҳаллий бюджетлар имкониятларини оширишда солиқли даромадлар иштироки тадқиқ этилди ва унинг таъсирини аниқлашнинг услубиёти ишлаб чиқилди;

- маҳаллий бюджетлар имкониятлари истиқболларини белгилашда тартибга солувчи даромадлар барқарорлигини таъминлаш тадбирлари юзасидан ташкилий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- харажат ваколатлари тақсимотини такомиллаштиришнинг маҳаллий бюджетлар имкониятлари баҳоланишидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилди ҳамда бу соҳадаги зарур бўлган давлат тадбирларининг илмий башорати берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялар ва берилган амалий таклифлар маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишларини белгилашда, улар бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, давлат тадбирларини амалга ошириш жараёнида кенг қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, ундаги илмий ва амалий ишланмалар “Молия”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишлари ҳамда уларнинг базасида тайёрланадиган мутахассисларнинг таълим стандартларига мувофиқ рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ҳудудий иқтисодиётдаги мавжуд муаммолар ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш юзасидан берилган қатор тавсиялар ва амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳайъати томонидан маъқулланган ва амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (2005 йил 22 декабрдаги далолатнома).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари Академиясида 2002 йил 16-17 октябрь кунлари ўтказилган «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзусидаги, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 2004 йил 25 майда ўтказилган

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинган ва ижобий баҳоланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти “Молия-иқтисод” факультетининг, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг, Фарғона Политехника институтининг кафедралараро кенгайтирилган илмий семинарларида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Мувофиқлаштирилган муаммовий кенгаши илмий семинарида муҳокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот бўйича 5 та илмий мақола, шулардан 1 та чет элда чоп этилган, 2 та илмий маъруза тезислари тўпламларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ўз ичига 9 та жадвал, 12 та расмни олган ҳолда 142 бетлик ҳажмдаги матнни ташкил этган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолаш ва уларни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, биринчидан, Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларнинг самарали тизимини шакллантириш учун зарур бўлса, иккинчидан, маҳаллий бюджетларни “молиявий тенглаштириш сиёсати”ни амалга ошириш учун муҳимдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолаш бевосита ушбу тушунчанинг туб моҳиятини аниқлашни талаб қилади. “худудий иқтисодиёт”, “маҳаллий бюджет имкониятлари” тушунчаларига берилган кўплаб таърифларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ҳар бир таъриф ўз муаллифининг муайян фикр ва қарашларини тасдиқлаш мақсадида шакллантирилган бўлиб, уларда бу тушунчалар билан боғлиқ кўплаб жиҳатларнинг алоҳида бир томони бўртириб кўрсатилган. Ҳолбуки, илмий тушунчалар таърифи жараён ва ҳодисаларнинг муҳим жиҳатларини қамраб олиши, аниқ ва лўнда бўлиши керак.

Айрим иқтисодчилар “худудий молиявий имконият” тушунчаси билан “маҳаллий молиявий имконият” тушунчасини бир томондан, “молиявий ресурслар” ва “молиявий имкониятлар” тушунчаларини иккинчи томондан бир хил маънода талқин этмоқдалар¹. Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар эса, бюджетлараро муносабатларда худудларнинг фақатгина солиқ фаолиятига эътиборни қаратиб, улардаги имкониятларнинг бошқа манбалари уларнинг таҳлилидан четда қолиб кетган².

¹ Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. Баланс финансовых ресурсов территорий. 2-изд. Уфа: ГП Принт, 2001, 86-90 б.; Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. 2-изд. Белград: Искра, 2000, 24-26 б.; Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки // ж. Финансы, 2003, №2, 63-65 б.

² Семенов А.В. Механизм распределения налогов между бюджетами регионов. М.: АОЗТ «Маска», 1999, с. 21-28; Кораваева И. Налоговое регулирование рыночной экономики. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. с. 114-121; Ляндо В. Налоговый потенциал регионов // ж. Финансы, 2003, №7, с. 31-34.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар ҳудудларнинг молиявий имконияти таркибида юридик шахслар, аҳоли ва давлатнинг молиявий ресурсларини ажратиб кўрсатганлар¹.

Маълумки, давлат жамиятни самарали бошқариш ва ривожлантириш учун, энг аввало, зарур маблағлар ҳажмини белгилаши ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджетнинг даромад қисмини тўлдиришни мақсад қилиб қўяди, ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятлари масалаларини тадқиқ этиш мазкур икки мустақил йўналишнинг жиҳатларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Диссертацион тадқиқотимиз мантиқидан келиб чиқиб “ҳудудий иқтисодиёт муаммолари”, “ҳудуднинг молиявий имкониятлари”, “ҳудуднинг молиявий ресурслари”, “маҳаллий бюджет даромад базаси”, “маҳаллий бюджет имкониятлари” тушунчаларининг туб моҳиятини, уларнинг фарқлари ва хусусиятларини ҳамда ҳозирги замон бюджет сиёсати стратегияси ва тактикаси нуқтаи-назаридан долзарб муаммоларини ёритишни лозим топдик.

Маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолаш ва уларни ошириш йўналишларини белгилаш, нафақат маҳаллий бюджетлар даромадлари базаси шаклланишининг амалдаги механизмини таҳлил қилиш учун зарур, балки ушбу зарурият маҳаллий бюджетларни бошқариш давлат сиёсатидаги ўзгаришларни асослаш ҳамда унинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда ҳам сезилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетларни бошқариш давлат тадбирлари тизимида, бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш амалиётида ҳудудлардаги солиқ салоҳиятига эътибор бериш билан чекланиб қолиш бюджет сиёсатининг жуда тор маънода талқин этилишига олиб келади.

Хусусан, кўпчилик иқтисодчилар ҳамон имкониятни молиявий ресурслар билан бирдай талқин этмоқдалар. Бизнинг фикримизча, ушбу тушунчалар мазмуни бири-бирига яқин бўлсада, улар моҳияти жиҳатидан бир эмас. *Маҳаллий бюджет имконияти* – бу ҳудудни фойдаланилаётган молиявий ресурсларининг бир қисми. Ҳудуднинг молиявий ресурслари таркибида эса мазкур ҳудуддаги маҳаллий бюджет даромадидан ташқари шу ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахслардан, тадбиркорлик субъектларидан тушган пул даромадлари ва жамғармалари, ҳудудга турли тадбирлар учун жалб этилган маблағлар, ҳомийлар маблағлари ҳам тегишли ўрин эгаллайди (1-расмга қаранг).

Сўнгги йилларда молиявий ресурслар таркиби таҳлилида давлатнинг ҳудудлардаги хўжалик субъектларидан тушган пул даромадлари ва аҳолининг молиявий ресурслари ажратиб кўрсатилмоқда. Шу боисдан, айрим муаллифлар ҳудуднинг молиявий имконияти таркибида ҳуқуқий шахслар, аҳоли ва давлат молиявий имкониятларини ажратиб кўрсатганлар².

¹ Коломнец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе. //Налоговый Вестник, 2001, №3, с.-5; Королева Н.В. Бюджетно-налоговая политика – как проявление экономической политики. Региональный аспект: 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Университета, 2000, с. 101-106.

² Коломнец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе. //Налоговый Вестник, 2001, №3, с.-5.



1-расм. Худуднинг молиявий имкониятлари¹

Худуд молиявий имкониятини баҳолашнинг ўзига хос услубиёти тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли бюджет амалиёти учун аниқ тавсия ва йўриқномалар мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, молиявий имкониятни маҳаллий бюджетларга нисбатан талкин этилганда, унинг доирасини даромадлар базаси билангина чеклаб қўймасдан, балки уни ўсиб бораётган мажбуриятлар суръатларига мувофиқ тарзда давлатнинг қўшимча тадбирлари тизимидаги аниқ чоралар билан ҳам мувофиқлаштириб бориш лозим, яъни “*маҳаллий бюджетлар молиявий имконияти унинг харажатлари динамикасидаги ўсиш суръатларига, шунингдек жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланган бюджет меъёрларининг бажарилишини таъминлашга имкон берувчи даромад базасидир*” деган нуқтаи-назардан қараш керак (2-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолашда мажбуриятлар ўсиши суръатларига мувофиқ давлатнинг қўшимча тадбирлари орқали тушумлар ҳисобига жалб қилиниши мумкин бўлган маблағлар ҳамда жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланган бюджет меъёрларининг бажарилишини таъминлашга имкон берувчи даромад базасининг таъсири эътиборга олинмаган. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини илмий асосланган тахминларини белгилашда мазкур жиҳатларнинг таъсирини ҳисобга олиш ижтимоий-иқтисодий адолат нуқтаи-назаридан ўта зарурдир.

Маҳаллий бюджетлар мажбуриятлари ўсиши суръатларига мувофиқ давлатнинг қўшимча тадбирлари орқали тушумларнинг зарурлиги даромад базасининг харажатлар динамикасига мувофиқ мустаҳкамланишини талаб этади. Ушбу зарурият нафақат мазкур ҳолатда, балки умумдават лойихаси бўйича худудларда ўтказилаётган тадбирларни молиялаштириш манбаларида маҳаллий бюджетларга қўшимча юк сифатида юқоридан қатъий тарзда улушлар белгиланиши амалиётида янада кучли тус олади.

¹ Мазкур расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



2-расм. Маҳаллий бюджетлар имкониятлари¹

Жаҳон андозаларига мос тарзда бюджет тизими бўғинлари фаолиятига ва умуман ижтимоий тараққиёт натижаларига баҳо беришда “жон бошига бюджет ресурсларининг тақсимооти” кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Ушбу зарурият маҳаллий бюджетлар имкониятини реал баҳолашда мазкур кўрсаткич ўзгаришининг таъсирини инобатга олиш лозимлигини тасдиқлайди.


Бюджет харажатларини режалаштиришда мамлакатимизда илк тажриба қилинаётган меъёрий тақсимоатдан жон бошига тўғри келадиган тақсимоат тизимига ўтиш катта маблағларни ва қўшимча имкониятларни талаб қилади, албатта. Мазкур жараён пировардида маҳаллий бюджетлар имкониятларини баҳолашда амалдаги даромад базасининг юқоридаги кўрсаткич талабларидан келиб чиқиб, янада объектив тахминлаштириш имконини беради.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажат қисми мустақил, шу билан биргаликда ўзаро боғлиқ категориялар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятли томонларига эгадир, яъни даромадлар маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий базаси ҳисобланади, харажатлар эса, ҳудудий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Шу билан биргаликда, харажатлар даромадлар билан боғлиқдир, ўз навбатида маҳаллий ҳокимият органларининг фойдаланадиган маблағлар ҳажми билан ҳам боғлиқдир. Маҳаллий бюджетларни шакллантириш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва белгиланган ҳудудда рўйхатда

¹ Мазкур расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

бўлган юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида маълум бир пулли муносабатлар юзага келади. Ушбу муносабатлар юзага келишининг шакллари бўлиб корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг турли хил солиқли ва солиқсиз тўловлари намоён бўлади. Бюджет даромадлари маълум маънода хўжалик юритиш усуллари ва тизимига, шунингдек, жамият томонидан ҳал этиладиган вазифаларга боғлиқдир.

Қуйидаги 3-расм орқали маҳаллий бюджетлар даромадларида маҳаллий солиқларнинг салмоғи таҳлил қилинган.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадларида маҳаллий солиқларнинг салмоғи динамикаси¹ (фоизда)

Республика маҳаллий бюджетлари даромадларида маҳаллий солиқлар улушини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий солиқлар улушининг ўсиб боришини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2005 йилда 38,5 фоизни ташкил қилган ёки 2001 йилга нисбатан 1,7 фоизга, 2002 йилга нисбатан эса 0,8 фоизга ўсган. 2004 йил якунларига нисбатан эса, бу кўрсаткич 0,2 фоизга юқори бўлган.

Маҳаллий бюджет даромадларидаги маҳаллий солиқлар улушининг ўсиши, бизнингча, маҳаллий солиқлар ҳажмининг ўсиши билангина эмас, балки маҳаллий бюджетлар солиқсиз даромадларининг камайиши ҳисобига рўй берган.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш мақсадини кўзлайди.

Жаҳон амалиётида маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари бўлмиш маҳаллий солиқлар ва йиғимларга нисбатан барқарорлик, уларни белгилашдаги маҳаллий молия органларининг эркинликлари ҳамда уларни муттасил ошириб бориш зарурлиги юзасидан фикрлар маъқулланади. Дарҳақиқат, бошқа омиллар ўзгармагани ҳолида ушбу манбанинг ўсиб боришини муҳим ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаларини тўлақонли тарзда ўрганиш, ҳар қайси манба улушининг ўзгаришини чуқур таҳлил этиш ҳамда уларнинг истиқболдаги ҳолатини баҳолаш минтақавий ривожланиш дастурларини белгилаш учун муҳимдир. Шу боисдан, маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг амалдаги тизимида қўлланилаётган даромад манбаларининг тавсифланишига кўра

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

бириктирилган, тартибга солувчи даромадлардан ташқари юқори бюджетдан ажратмалар қилиш амалиётини таҳлил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацион тадқиқотда маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш сиёсати орқали тушумлар ҳам алоҳида тарзда тадқиқ этилган. Ушбу сиёсатнинг зарурлиги, илгари амал қилган давлат тадбирларидан фарқи, асосий мақсади ва вазифалари чуқур ёритилган. Маҳаллий бюджетлар баланслилигининг кафолатланиши мақсадида давлат томонидан қўлланилаётган ушбу сиёсат маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун бириктирилган ва тартибга солувчи даромадларнинг етарли эмаслигини ҳам кўрсатади. Маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш сиёсати орқали тушумлар амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида 2005 йил учун тасдиқланган субвенция ва дотациялар миқдорини қуйидаги 1-жадвал маълумотларини келтирамыз.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шакллантиришда республика бюджетидан бериладиган субвенциялар ва дотацияларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда.

1-жадвал.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда субвенциялар ва дотацияларнинг ўрни (2005 йил)¹

(даромадларга нисбатан фоизда)

Худудлар	Субвенциянинг улуши	Дотациянинг улуши
Қорақалпоғистон Р.	23,7	35,2
Андижон	23,3	19,1
Бухоро	-	-
Жиззах	25,6	36,1
Қашқадарё	-	-
Навоий	-	-
Наманган	25,8	23,5
Самарқанд	46,2	-
Сурхандарё	27,7	19,9
Сирдарё	15,5	-
Тошкент	-	-
Фарғона	-	-
Хоразм	23,8	12,6
Тошкент ш.	-	-
Жами	15,1	9,2

Бюджет амалиётимизда қўлланилаётган дотация услублари маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги боқибеғамлик “фазилат”ларини кучайтиради. Шу боисдан даромадларни шакллантиришда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 декабр 2004 йилдаги 610-сонли қарорининг 26-иловасига асосан тузилди.

тушишини ташкил қилиш маҳаллий молия органларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан давлат тадбирларининг тубдан ислоҳи уларни бошқаришдаги илгари амал қилган дотацион режимнинг бекор қилиниши ҳамда маҳаллий бюджетлар баланслилигига эришиш учун уларга молиявий тенглаштириш сиёсати орқали ёндошувнинг жорий этилишини муҳим зарурият қилиб қўйди. Харажатларнинг адреслилигини таъминлашга қаратилган стратегик вазифа дотация тадбирининг тармоқ ёки аниқ давлат корхонаси бўйича ҳисобга олиш зарурлигини белгилайди.

2-жадвал маълумотлари асосида Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2001-2005 йиллардаги даромадлари, шу жумладан маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушумлар таҳлил қилинган.

2-жадвал.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети даромадларидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳиссаси ¹

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2001	2002	2003	2004	2005
Шаҳар бюджетининг жами даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан: жами маҳаллий солиқлар ва йиғимлар	30,2	30,8	32,9	36,9	37,4
Шу жумладан: мол-мулк солиғи	11,1	7,5	8,8	11,0	10,9
Ер солиғи	4,7	3,6	3,6	4,2	4,3
Инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1,5	2,4	2,0	2,1	2,4
Жисмоний шахсларга истеъмол солиғи	-	4,9	6,9	7,4	7,4
Маҳаллий йиғимлар	4,7	5,6	5,3	5,5	5,8
Бошқа тушумлар	8,2	6,8	6,3	6,7	6,6


Жадвалдан кўринадики, тушумларнинг асосий қисми мол-мулк, жисмоний шахслар учун автомобилларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун солиқ ва ер солиғи ҳисобидан таъминланган.

Шаҳар бюджети даромадларида маҳаллий солиқлар улушини таҳлил қилсак, 2005 йилда 2001 йилга нисбатан мол-мулк солиғи 0,2 фоизга, ер солиғи 0,4 фоизга, бошқа тушумлар 1,6 фоизга камайган бўлсада, инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ 0,9 фоизга кўпайишига эришилган.

Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида 4-расм тасвири ёрдамида шу нарсани кўришимиз мумкинки, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлари 2001-2005 йиллар давомида мунтазам ўсиб борган, шу билан биргаликда маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари, яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушумлар ҳам ортиб борган, лекин масалага иккинчи томондан қарасак, 2001 йилга нисбатан шаҳар бюджетининг жами даромадларини ўсиш суръатларига

¹ Тошкент шаҳар молия Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

қараганда бюджетга маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушумларнинг суръати сезиларли паст бўлган.



4-расм. 2001-2005 йилларда Тошкент шаҳар бюджети даромадлари, шу жумладан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар динамикаси¹ (фоизда)

Мисол учун, 2002 йилда жами даромадлар 2001 йилга нисбатан 34,4 фоизга ортган бўлса, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушумлар 15,2 фоизга ортган, 2003 йилда эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 57,3 фоиз ва 35,8 фоизларни ташкил этган.

Бироқ, 2004 йилга келиб манзара бошқача тус олган, яъни умумий даромадларнинг 2001 йилга нисбатан ўсиш суръати 72,8 фоизни ташкил қилган бўлса, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушумлар базис йилига нисбатан икки баробардан ортган, аниқроғи 111,0 фоизни ташкил этган. Бунга таъсир қилган омил сифатида, асосан, мол-мулк солиғидан тушумларнинг кескин кўпайганлиги ҳамда 2002 йилдан жисмоний шахслар учун транспорт солиғини бекор қилиниб, унинг ўрнига маҳаллий солиқ сифатида истеъмол солиғини амалга киритилишини кўрсатишимиз мумкин. 2005 йилда ҳам шунга ўхшаш жараён давом этган.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари улуши нисбатан паст даражада бўлиб, улар 30-40 фоиз оралиғини ташкил қилмоқда. Жаҳон амалиётида эса, 70 фоизгачани ташкил этади.

Республикада маҳаллий бюджетлар даромадларнинг салмоқли қисми тартибга солувчи даромадлар, яъни умумдават солиқларидан ажратмалар, бюджет трансфертлари ҳисобига шаклланимоқда. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўз манбалари ҳақидаги масала ҳамон очиқ қолмоқда ва уларнинг даромадлари манбаларида ўз маблағларидан фойдаланиш муаммоли бўлиб, бунинг асосида бюджетлар мустақиллиги тамойили расмий хусусиятга эга бўлиб қолмоқда.

Қуйидаги 3-жадвални кўриб шундай хулоса қилиш мумкинки, Тошкент шаҳри бюджетиди 2004 йил учун даромадлар 176048,7 млн. сўм, харажатлар ҳам 176048,7 млн. сўм, 2005 йил учун даромадлар ва харажатлар 196562,6 млн. сўм миқдорида режалаштирилган ва тақчиллик бўлиши кўзда тутилмаган.

3-жадвал.

¹ Тошкент шаҳар молия Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Тошкент шаҳар ва туманлари бюджетларининг 2004-2005 йиллардаги
даромадлари, харажатлари ва дотациялари ҳажми¹**

(млн. сўм)

Туманлар	2004 йил				2005 йил			
	даромадлар	харажатлар	дотациялар	жами даромад-ларда дотац. салмоғи, фоизда	даромадлар	харажатлар	дотациялар	жами даромад-ларда дотац.
Учтепа	6669,7	9130,0	2460,3	27,0	7518,8	11031,8	3513,0	46,7
Бектемир	1370,6	1370,6	-	-	1778,1	1778,1	-	-
Миробод	4545,4	4545,4	-	-	5840,5	5840,5	-	-
Мирзо Улуғбек	9295,9	9295,9	-	-	11501,7	11501,7	-	-
Собир Раҳимов	9198,2	9198,2	-	-	11668,9	11668,9	-	-
Сирғали	6097,1	6097,1	-	-	8034,0	8034,0	-	-
Чилонзор	8029,9	8029,9	-	-	10403,7	10403,7	-	-
Шайхонтохур	8337,6	8337,6	-	-	10245,9	10245,9	-	-
Юнусобод	10033,6	10033,6	-	-	12579,3	12579,3	-	-
Яккасарой	3830,6	3830,6	-	-	4843,6	4843,6	-	-
Хамза	7657,7	7657,7	-	-	9863,7	9863,7	-	-
жами	75066,3	77526,6	2460,3	3,2	94278,1	97791,1	3513,0	3,4
Тошкент ш.	100982	98522,1	-2460,3	-	102284,5	98771,5	-3513,0	-
Ҳаммаси	176049	176049	-	-	196562,6	196562,6	-	-

Бироқ, туманлар маҳаллий бюджетлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, шаҳар бўйича биргина Учтепа (собик Акмал Икромов) тумани маҳаллий бюджетида 2004 йил 2460,3 млн. сўм, 2005 йил учун 3513,0 млн. сўм миқдоридаги тақчиллик режалаштирилган. Бу туман маҳаллий бюджетида тақчилликнинг мавжудлиги мазкур туманда бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар сонининг кўплиги билан асосланади, аммо Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг тақчиллиги Тошкент шаҳар бюджетидаги кўзда тутилган профицит ҳисобидан қопланиши режалаштирилади.

Қарзларнинг фозисизлиги ва уларни ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобидан узилиши, албатта, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетни тўлиқ бажарилиб боришидаги манфаатдорлигини чегаралаб қўядики, бюджет ижроси давомида улар кўп маротаба ушбу қарзларни сўраб мурожаат қиладилар. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни доимий тушиб турадиган даромадлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Сўнги йилларда инфляция оми таъсирида минимал иш ҳақи, пенсия, стипендиялар миқдорининг ортиши, баҳо ва тарифларнинг ўсиши натижасида республика

¹Тошкент шаҳар ҳокимининг 29 декабрь 2003 йилдаги 925-сонли "Тошкент шаҳрининг 2004 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги ҳамда 7 январь 2005 йилдаги 6-сонли "Тошкент шаҳрининг 2005 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган.

бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар тарзида бериладиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгалламоқда.

Муаллиф томонидан диссертацияда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида тартибга солувчи даромадлар таркиби ва меъёрлари бўйича Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатиб ўтилган:

- тартибга солувчи даромадлар тақсимотида ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва маҳаллий бюджетлар бўғини зиммасидаги мажбуриятларнинг ортиб бораётганлиги омили албатта ҳисобга олинмоғи керак;

- тартибга солувчи даромадлар таркибида қатъий меъёр сифатида ва 100 фоизли миқдорда маҳаллий бюджетлар зиммасида қолдирилиши режалаштирилаётган солиқлар бўйича тадбир уларни бириктирилган даромад таркибида режалаштириш учун асос бўлмаслиги керак, чунки улар умумдавлат аҳамиятини сақлаб қолади ва вақтинчалик хусусиятга эга;

- тартибга солувчи даромадлар меъёрларини қўллашда маҳаллий бюджетларни рағбатлантириш воситасидаги иқтисодий манфаатдорлик тамойили ҳам тўлиқ ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар муаммоларини ҳал этишнинг муҳим усуллари таъминлаш мақсадида тараққий этган давлатлар бой тажрибаларини ўзлаштириш муҳим ўрин тутди.

Бизнинг фикримизча, хорижий мамлакатларнинг қуйидаги бой ижобий тажрибалари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини ошириш юзасидан давлат тадбирларида фойдаланилиши мумкин: марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида тегишли функциялар ва молиялаштириш манбаларини қонуний тарзда аниқ ва барқарор тақсимлаш; маҳаллий бюджетларнинг даромадлари умумий ҳажмида ўз даромадлари манбалари билан таъминланишнинг барқарорлигига эришиш; маҳаллий шароитда умуммиллий дастурлар амалга ошириш учун мақсадли субсидияларни сақлаб қолиш, ҳудудлар молиявий имкониятини тартибга солиш мақсади учун эса, одатдаги дотациялар тизимидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори билан жорий этилган, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун билан янада мустаҳкамланган бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет муассасалари манфаатдорликларининг рағбатлантирилишига қаратилган тадбирлар маблағларнинг инвестицион табиатини янада кучайтирди.

Фикримизча, бюджет даромадларининг режадан ортиқча бажарилиши ва харажатларнинг тежалиши эвазига шаклланган суммаларни илгаригидек республика бюджетига қайтариш механизмидан воз кечиш ва ундан маҳаллий бюджетларда маблағлардан самарали фойдаланиш натижаларини рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланиш тизимини ижобий баҳолаш лозим.

Режадан ортиқча солиқ тушумларини маълум вақт мобайнида тасдиқланган ягона меъёр асосида тақсимлаш қуйидаги ижобий тенденциялар вужудга келишига имкон беради:

- режадан ортиқча солиқлар тушумидан манфаатдорликни оширади;
- республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини

мустаҳкамлайди ва субвенцияларни камайтиради.

Юқори иқтисодий ва солиқ салоҳиятига эга бўлган вилоятлар бюджет даромадларининг харажатларидан ошиб кетган қисмини юқоридаги мутаносибликда тақсимланиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

- солиқларни йиғишдан манфаатдорликни юқори даражада сақлаб қолади, уларни кўпайтириш ва ҳудудда солиқ базасини янада кенгайтиради;
- баланслашган бюджетга эга бўлган ёки кичик миқдордаги бюджет тақчиллигига эга бўлган ҳудудларни солиқ тушумларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини янада кучайтиради.

Маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини яхшилашнинг муҳим омилларидан бири – харажатларни тахминлаштириш ва молиялаштириш бўйича ваколатлар тақсимотининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ҳисобланади. Бугунги кунда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида харажат мажбуриятлари тақсимотидаги чекловлар эгилувчан, бироқ бир тизимга солинмаган кўринишга эгадир. «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда келтирилган чекловлар республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштириш жараёнидаги маълум номутаносибликларни бартараф қилмайди. Дарҳақиқат, молия йили давомида баъзан тасдиқланган бюджет таркибидаги молиялаштиришдан четга чиқувчи “давлат тадбирлари бўйича бюджетдан молиялаштириш амалиёти” ҳам учрайди ва бу ҳолат, кўпинча, маҳаллий бюджетлар имкониятларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатларини қатъий меъёрлар асосида тахминлаштиришга ўтиш билан номутаносибликларни бартараф қилиш мумкин. Бюджет харажатлари ваколатларини тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишнинг бу босқичида маҳаллий бюджетлар харажатларини йўналишлар (маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой ва коммунал хўжалиги, бошқарув ва бошқалар) бўйича жон бошига тўғри келувчи меъёрлар асосида ҳисобга олиниши ушбу харажатлар асослилигини ва самарали ижросини таъминлайди. Бюджет харажатлари ваколатларини тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишнинг яна бир муҳим муаммоси ҳозирги бюджет амалиётида учраётган «маҳаллий бюджет харажатлари тахминлаштирилгандан сўнг унинг ижросида айрим харажатларнинг республика бюджети ихтиёрига олиб кўйиш» ҳолатларининг учрашидир. Ушбу зарурият, албатта, тегишли харажат йўналишининг мақсадли молиялаштирилиши ва муддатлилигини таъминлашнинг аҳамиятлилигидан келиб чиқсада, тахминлаштириш ва ижро этиш жараёнидаги яхлитликни бузади. Бунинг оқибати, айниқса, маҳаллий бюджетлар истикболини белгилашнинг ўрта муддатли моделига ўтиш шароитида янада мураккаброқ кечади.

Харажат ваколатларининг тақсимланишида, одатда, ушбу харажатларни ижро этувчи ҳокимият даражасини белгилашдан бошланади, сўнгра харажатларнинг тўлиқ ёки қисман молиялаштирилишини маҳаллий даражада хал этиш кўлами аниқланади. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларни аҳолига адресли ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари (биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар ажратиш харажатлари, кам таъминланган оилалар болалари учун кишки кийим харажатлари)нинг истикболли йўналишлари аниқланади. Ушбу мақсадли харажатларнинг молиялаштирилмай қолиши ҳолатининг олдини олиш, бюджет ссудаларининг асоссиз тарзда ўсиб кетишига йўл қўйиш ҳолатининг бартараф

этилиши учун ушбу харажатлар ижросини таъминлашга республика бюджетидан мақсадли субвенциялар ажратилиши лозим.

3. ХУЛОСА

Олиб борилган диссертацион тадқиқот натижасида ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари хусусида қуйидаги илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар берилган:

1. Ҳудудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви, турли ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларидаги тафовутларнинг мавжудлиги маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва самарали бошқаришга қаратилган давлат сиёсати олиб борилишини талаб этади. Шу боисдан маҳаллий бюджетлар тараққиётида улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўсиб бораётганлиги, маҳаллий бюджетлар оператив мустақиллигининг кенгайиши, улар манфаатдорликларининг рағбатлантирилиши каби қонуниятлар давлат иштирокини чекламайди, албатта. Аксинча, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини оширишнинг ҳамда фаолият самарадорлигини рағбатлантиришнинг янгидан-янги давлат тадбирларига эҳтиёж янада ўсди.

2. Мамлакатимиз бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг илк қадамлари маҳаллий бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш имконини берди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда амалдаги бюджет қонунчилиги маҳаллий бюджетлар имкониятлари шаклланиши ва уларни самарали бошқариш йўналишлари учун асос бўла олади. Маҳаллий бюджетларнинг ривожланиш истиқболларини давлатнинг яхлит бюджет сиёсати вазифалари билан боғлиқ ҳолда белгилаш бюджет қонунчилиги асосларини жаҳон андозалари талабларига асосан такомиллаштиришни талаб этади.

3. Бюджет аналитиклари услубий ёндошувларида маҳаллий бюджетлар имкониятлари тушунчасининг моҳиятини тушунишда асоссиз равишда “лойихада кўзда тутилган даромад қисми”, “даромадлар ижроси”, “ҳудудларда йиғиладиган солиқлар миқдори” каби кўрсаткичлар асос қилиб олинмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай ёндошув номақбулдир. Мазкур тушунчанинг молиявий-иқтисодий табиати ва сифат тавсифи қуйидагиларни ҳам ҳисобга олишни талаб қилади:

- маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши;
- харажат ваколатлари тақсимотига кўра ижро этилган, жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланган меъёрлар асосидаги бюджет мажбуриятининг молиявий таъминоти.

4. Мамлакатимизда амал қилаётган бюджетлараро муносабатларнинг янги модели шароитида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шаклланиш манбалари ва уларнинг молиявий табиати тубдан ўзгарди. Бюджет маблағларидан фойдаланишда адреслиликини таъминлаш аҳамиятининг ўсиши туфайли илгари амал қилган дотацион режим давлатнинг аниқ корхоналари ёки иқтисодиёт тармоқларига нисбатангина сақланиб қолди, маҳаллий бюджетлар учун эса улар баланслилигини кафолатлаш мақсадида “молиявий тенглаштириш сиёсати” юритила бошланди.

5. Худудлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда, уларда иқтисодий ўсишни таъминлашда маҳаллий бюджетларни манфаатли иштироки табиийдир. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар тараққиёти муаммоларини узвий боғлиқликда ҳал этиш маҳаллий бюджетлар оператив мустақиллигини, манфаатдорликларини ҳамда имкониятларини ошиб боришини талаб этади.

6. Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги устивор вазифалар маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини шаклланиши ва уни ошириш тадбирлари самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги солиқ юкининг камайтирилиши фискал омил таъсирини солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш орқали қоплашни, маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш эса, солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши механизми самарадорлигини кучайтиришни талаб этади. Солиқ ва бюджет амалиётида мавжуд номутаносибликлар ҳамда уларнинг маҳаллий бюджетлар имкониятларига салбий таъсири тез фурсатда бартараф этилмоғи лозим.

7. Маҳаллий ҳокимиятлар уларнинг ҳудудида йиғилган солиқларнинг қонунчилик билан тасдиқланган қисми маълум бир вақт давомида ва бир маромда маҳаллий бюджетга тушишини билсалар, у ҳолда улар ушбу солиқларни тўлиқ йиғилишини таъминлаш учун қўлларида келган барча ишларни амалга оширадилар. Амалиётнинг кўрсатишича, ушбу ҳолатларда қўлланиладиган маъмурий чоралар маҳаллий ҳокимиятларнинг манфаатдорлиги ўрнини боса олмайди.

8. Мамлакатимиз бюджет амалиётида маҳаллий бюджетларнинг даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ривожланиш истикболларини тахминлаштириш жараёнида ҳар қайси манбанинг алоҳида роли ҳамда қатъийлигига эътибор бериш маҳаллий бюджетларни тартибга солиш давлат сиёсатида муҳим жиҳат ҳисобланади.

9. Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш ҳамда худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига эришиш учун давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатида барча худудларнинг мавжуд муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга имкон берувчи жиҳатларини кучайтириш лозим.

Тадқиқот натижаларига асосланиб худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари юзасидан қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари базасини янада мустаҳкамлаш ва шу мақсадда даромадлар манбаси мазкур гуруҳига маҳаллий мулкни самарали бошқаришдан олинган даромадларни, муниципал қимматли қўғозларни муомалага чиқариш ва сотишдан олинган даромадларни ҳамда худудга ҳайрия мақсадларида келиб тушадиган маблағларни ҳам киритилишини қонунан кафолатлаш лозим.

2. Тартибга солувчи даромадлар юзасидан уларнинг барқарор меъёрларини камида 5 йил муддатга доимий тарзда белгилаш мақсадга мувофиқдир¹. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетлар даромад базасининг асоси бўлмиш ушбу манбанинг истикболдаги барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари ва ҳуқуқий заминлари кафолатланади.

¹ Тўғри, ушбу зарурият 2006 йилдан жорий этила бошланаётган “маҳаллий бюджетлар истикболини ўрта муддатли режалаштириш” амалиёти орқали ҳисобга олиниши кўзда тутилган, бироқ бу уч йилга мўлжалланган ўрта муддатли кўрсаткичлар тахмини ҳам узоқ муддатли истикболни реал баҳолаш имконини бера олмайди.

3. Давлатнинг реципиент ҳудудларни донор ҳудудлар маҳаллий бюджетлари орқали молиявий тенглаштириш сиёсатида манфаатдорлик тамойилига риоя қилиш зарурияти асосланди. Бу тадбир қуйидагиларга йўналтирилган:

- даромадлари харажатларидан ортиқ бўлган вилоятлар ҳудудида солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва кўпайтиришга, солиқларни йиғишга бўлган манфаатдорликни сақлаб қолишга;

- баланслаштирилган бюджетга ёки солиқ йиғимларини оширишда унчалик катта бўлмаган тақчилликка эга бўлган вилоятларда рағбатлантирувчи шароитларни ташкил қилишга.

4. Маҳаллий бюджетлар фаолияти натижаларини баҳолашда бюджет аналитиклари ва иқтисодчи-олимларнинг ёндошувлари жаҳон андозалари асосидаги бюджет амалиётининг ҳозирги замон талаблари нуқтаи-назаридан анча эскирди. Шу боис маҳаллий бюджетлар фаолиятига баҳо берувчи янги услубий ёндошувнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга зарурият сезилмоқда.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар фаолияти натижаларини “маҳаллий бюджетларни имконияти” кўрсаткичи орқали баҳолаш айнан шу талабларни ҳисобга олади. Мазкур кўрсаткич маҳаллий бюджетларни даромадлар базаси билангина чекланиб қолмай, уни ўсиб бораётган мажбуриятлар суръатларига мувофиқ тарзда давлатнинг қўшимча тадбирлари тизимидаги аниқ чоралари билан ҳам мувофиқлаштириб борган ҳолда харажатлар динамикасининг ўсиш суръатларини, шунингдек жон бошига тўғри келувчи бюджет ресурслари истеъмоли даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Маҳаллий бюджетлар имкониятини мустаҳкамлаш мақсадида қонуний тарзда фақат маҳаллий солиқ ва тўловларнинг таркибини аниқ белгилаб қўйиш, балки республика аҳамиятидаги умумдавлат солиқларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушлари динамикасини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш ҳам зарурдир. Мазкур масаланинг ечимини таъминлашда, бизнинг фикримизча, қуйидаги жиҳатлар албатта эътиборга олиниши муҳимдир:

- давлат солиқ сиёсатидаги ҳар қандай ўзгариш унинг ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва бюджет мажбуриятларининг динамикасини, яъни маҳаллий бюджетлар имкониятларининг истиқболлари билан бевосита ҳисоблашиши ва мувофиқлаштирилиши лозим;

- маҳаллий бюджетлар солиқли даромадлари аҳамиятининг ўсиб бориши шароитида уларнинг ортириб бажарилишидан солиқ органлари қаторида молия органларининг ҳам бирдай манфаатдорликларини ошириш зарур;

- маҳаллий бюджетлар имкониятларини оширишнинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда солиқ омилларининг барқарор ва муҳим манба эканлигини, солиқли даромадларнинг мукамал нисбатларини таъминлаш лозим.

6. Тадқиқотда мамлакатимизда бюджетлараро муносабатларнинг янги модели шароитида маҳаллий бюджетларни “молиявий тенглаштириш сиёсати” орқали бошқариш тизимининг қўлланилиши тартиби ёритилди, унинг мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда «республика бюджетидан берилиши лозим бўлган ялпи молиявий ёрдам»нинг иқтисодий асосланган меъёрларини аниқлаш услубиёти таклиф этилди.

7. Маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини тахминлаштириш жараёнининг ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш сиёсатининг объектив талабларидан келиб чиқиб харажат ваколатларини тақсимлаш тизимида барқарорлик тамойилига

риоя қилинишини таъминлаш лозим. Ушбу мақсадда қуйидаги ёндошувни асослаш мумкин:

- давлат дастурлари орқали молия йили давомида тасдиқланган маҳаллий бюджет доирасидан ташқарида, қўшимча тарзда юзага келадиган ҳар қандай харажатлар, аслида маҳаллий бюджетларга “юк бўлиб тушмаслиги” керак ва республика бюджетидан молиялаштирилиши зарур;

- давлатнинг у ёки бу тадбири якунидан сўнг амалга оширилган ишлар ҳажмида маҳаллий бюджетлар иштирокини мажбурлаш, умумий қарзни узишда кейинги йилларга тўлов мажбуриятларини маҳаллий бюджетлар зиммасига юклаш амалиётига чек қўйиш лозим.

Маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш юзасидан юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсияларнинг ҳисобга олиниши давлатнинг маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш сиёсатидаги вазифаларнинг ўз вақтида ва тўла амалга оширилишини таъминлайди ҳамда маҳаллий молия органлари учун муҳим илмий-услубий кўрсатмаларни бера олади.

4. Эълон қилинган ишлар рўйхати.

1. Кабулов Х.А. Факторы и принципы оптимального управления бюджетами территорий//Ж. Аспирант и соискатель. М. - 2003. - №1. - Б. 42-43.

2. Қобулов Ҳ.А. Маҳаллий бюджетлар имкониятларини солиқсиз даромадлар тизими орқали яхшилаш йўналишлари.//Ж. Иқтисодиёт ва таълим.–2004. - №2. – Б. 68-73.

3. Қобулов Ҳ.А. Худудий иқтисодиётнинг ривожланишида маҳаллий бюджетлардан фойдаланиш.//Ж. Иқтисодиёт ва таълим. – 2005. - №3. – Б. 85-89.

4. Қобулов Ҳ.А., Хожиев К. Бюджет тақчиллигини бартараф қилиш усуллари //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2002. - №12. – Б. 53.

5. Қобулов Ҳ.А. Маҳаллий бюджетлар имкониятларини кучайтириш истикболлари.//Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институти. «Ўзбекистон иқтисодиёти: ривожланишнинг янги босқичидаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари». Истеъдодли ёш олимлар, магистрантларнинг илмий мақолалари тўплами. – Андижон, 2004. - 92-95 б.

6. Қобулов Ҳ.А. Маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш масалалари. // Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. 25 май 2004. – Тошкент, 2004. 261-262 б.

7. Жамолов Х.Н., Кабулов Х.А., Мамарахимов Б. Взаимодействие республиканского и местных бюджетов в реализации конкретных направлений бюджетно-налоговой политики // Академия работников налоговых и таможенных органов. Материалы международной научно-практической конференции на тему «Налоговый механизм в развитии международных экономических отношений». 16-17 октября 2002. – Тошкент, 2002. 147-148 б.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Қобулов Хотамжон Абдукаримовичнинг 08.00.07-»Молия, пул муомаласи ва
кредит» ихтисослиги бўйича «Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар
имкониятларини ошириш йўналишлари» мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: бюджетлараро муносабатлар; бюджет тизими; бюджет трансфертлари; давлат бюджети; дотация; маҳаллий бюджетлар; маҳаллий солиқлар; молиявий имконият; солиқ; солиққа тортиш; субвенция; умумдавлат солиқлари; худудий иқтисодиёт.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари, жумладан Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети.

Ишнинг мақсади: мамлакатимизда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бюджет амалиётининг жаҳон андозалари талабларига мос келувчи хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари юзасидан илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усули: илмий мушоҳадалаш, монографик тадқиқ этиш, қиёслаш, абсолют ва нисбий миқдорлар, жадвал ва статистик графиклар каби илмий тадқиқот усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқот натижалари бўйича куйидагилар билан боғлиқ амалий тавсиялар таклиф этилади: маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланишида тартибга солувчи даромадлар барқарор меъёрларини белгилаш; худудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви шароитида маҳаллий бюджетларни молиявий тенглаштириш сиёсати орқали бошқаришнинг услубиёти ва мезонлари; маҳаллий бюджетларга харажат ваколатларининг тақсимланиши тизимини улар имкониятлари ва харажатлар ишлатилишидаги самарадорликни таъминлаш мақсадида такомиллаштириш. Тадқиқот натижаларининг янгилиги ишлаб чиқилган тавсияларнинг Ўзбекистон Республикасида худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларини ҳал этишнинг бюджет омили ва худудлар иқтисодий мустақиллиги аҳамиятининг ўсиб бориши шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари юзасидан эканлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий таклифлар маҳаллий бюджетлар имкониятларини янада яхшилаш орқали худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштиришга самарали таъсир кўрсатади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги муаллифнинг қатор тавсиялари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳайъати томонидан маъқулланган ва амалиётга тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларини бевосита маҳаллий бюджетларни самарали ижро этиш ва улар имкониятларини оширишда қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Кобулова Хотамжона Абдукаримовича на тему “Региональная экономика и направления повышения возможностей местных бюджетов” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07-“Финансы, денежное обращение и кредит”

Ключевые слова: межбюджетные отношения; бюджетная система; бюджетные трансферты; государственный бюджет; дотация; местные бюджеты; местные налоги; финансовая возможность; налог; налогообложение; субвенция; общегосударственные налоги; региональная экономика.

Объекты исследования: местные бюджеты Республики Узбекистан, в том числе местный бюджет города Ташкент.

Цель работы: разработать научно обоснованные рекомендации по направлениям повышения возможностей местных бюджетов, учитывая особенности социально-экономического развития регионов в стране и требований мировых стандартов бюджетной практики.

Метод исследования: научное мышление, монографическое исследование, сопоставление, абсолютные и относительные размеры, методы исследования как таблицы и статистические графики.

Полученные результаты и их новизна: по результатам исследования предлагаются следующие практические рекомендации, связанные с: установлением стабильных норм регулирующих доходов в формировании доходов местных бюджетов; методикой и критериями управления местными бюджетами с помощью финансово-уравнивающей политикой в условиях обострения проблем региональной экономики; совершенствованием системы распределения полномочий по расходам местных бюджетов в целях обеспечения эффективности использования расходов и их возможностей. Новизна результатов исследования определяется тем, что разработанные предложения связаны с бюджетным фактором решения проблем социально-экономического развития регионов в Республике Узбекистан и направлениями повышения возможностей местных бюджетов в условиях повышения значимости экономической независимости регионов.

Практическая значимость: научные выводы и практические предложения, разработанные в диссертации, эффективно воздействуют на стабилизацию социально-экономического развития регионов через улучшение возможностей местных бюджетов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: ряд рекомендаций и практические предложения автора были одобрены Комиссией Министерства Финансов Республики Узбекистан и были приняты во внедрение в практику.

Область применения: результаты данного исследования могут быть применены при эффективном исполнении местных бюджетов и повышения их возможностей.

RESUME

Thesis of Kobulov Khotamjon Abdukarimovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economy specialty 08.00.07- «Finance, money circulation and credit»

Subject: «Regional economy and ways of increasing of potentials of the local budgets»

Key words: the interbudget relations; budget system; budget transfers; state budget; grant; local budgets; local taxes; financial potential; tax; taxation; subvention; State-wide taxes; regional economy.

Subjects of the inquiry: the local budgets of the Republic of Uzbekistan, including local budget of the city of Tashkent.

Aim of the inquiry: to investigate the ways of increasing of potentials of the local budgets on the basis of the new requirements of the budget device and budget practice of the Republic of Uzbekistan, elaboration of practical recommendations concerning improvement of the mechanism of the effective execution of the local budgets and strengthening of profitable base of the local budgets.

Method of inquiry: scientific thinking, monographic research, comparison, absolute and relative sizes, methods of research as the tables and statistical diagrams.

The results achieved and their novelty: by the results of the research the following practical recommendations are offered connected with: establishment of stable norm of regulating incomes in the formation of incomes the local budgets; methodics and criteria of management of the local budgets with the help of financial-leveling policy in the conditions of aggravating of problems of the regional economy; improvement of the system of distribution of powers by the expenses of the local budgets in the aims of securing of the effective using of expenses and their possibilities. Novelty of the results of the research is determined by the worked out offers connected with the budget factor of solving the problems of social-economical development of the regions in the Republic of Uzbekistan and directions of increasing of possibilities of the local budgets in the conditions of increasing of the importance of the economical independence of the regions.

Practical value: scientific conclusions and practical offers, worked out in the dissertation, effectively influence on the stabilization of social-economical development of the regions through improving of possibilities of the local budgets.

Degree of embed and economic effectivity: the row of recommendations and practical offers of the author were approved by the Commission of the Ministry of finance of the Republic of Uzbekistan and were adopted in the introduction of practice.

Sphere of usage: the results of the given research can be applied at the effective execution of the local budgets and increasing of their potentials.

Тадқиқотчи: